

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси одамларни бирлаштирди

2-с.

Кечаги ишсиз бугун мулкдор ва тадбиркорга айланяпти

Ривожланишни тадбиркорлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг сафи кенгайган сари ишсизлар камаймоқда.



3-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2024 ЙИЛ
27 НОЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№76
(2214)

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

Масъулият ҳисси иқтидорларни тоблайди

Бугун ёшлар учун имкониятлар кун сайин кенгайиб бормоқда. Уларга кўпроқ масъулият юклаш орқали қобилиятларини тўлақонли намоён этишига йўл очиб бериш керак, холос. Биздан кутиладигани фақат кўзлари ёниб турган, янгиликка ўч, иқтидорли ёшларни қўллаб, уларга устун вазифасини ўтамоқдир.

4-с.

Конституция кафолатлаган фаолият

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, “Бугунги кунда ҳамма иш маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилинмоқда. Бу тизим босқичма-босқич ривожлантирилмоқда, унга қўшимча куч, имкониятлар бериляпти. Бу, албатта, ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани. Маҳаллалар – давлатимизнинг энг катта замини”.

6-с.

Фидокорона меҳнат кўркам ва файзли манзилга элтади

Маҳаллаларда нотинч ва жанжалкаш оилалар, жиноятга мойиллиги бўлган шахслар ҳам борлиги ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг турмуш тарзини ким назорат қилади? Албатта, “маҳалла еттилиги” назорат қилиши керак.

8-с.

“Маҳалла ёшларининг маънавият боғи” ташкил этилди

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Нурафшон шаҳрида “Маҳалла ёшларининг маънавият боғи” барпо этилди.

Лойиҳа Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда амалга оширилди. Унда икки минг нафардан зиёд маҳалла раислари, ёшлар етакчилари, нуронийлар, ёшлар вакиллари қатнашди.

Дарахт экиш акцияси доирасида 8,5 гектар ер майдонига 7 мингдан зиёд павлония, оқтерак, гилос каби ҳудуднинг иқлим шароитига мос ниҳоллар қадалди. Уларни доимий парвариш қилиш бўйича манзилли чора-тадбирлар белгиланди.

Жараёнларда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев, Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этди.







МАҲАЛЛАДА ИНСОН УЧУН БОР ИМКОНИЯТ МУЖАССАМ

Маҳалламиз 2021 йил ташкил этилган. Аввалларибу жойлар чекка, кўримсиз эди. 2018 йилдан бошлаб замонавий уйлар, болалар ўйингоҳи ва спорт майдончалари қурилди. Атроф ободонлаштирилди.

Президентимиз Янгиҳаёт туманига ташрифи доирасида маҳалламизда бўлиб, фаоллар, нуронийлар, ёшлар ва ҳудуд мутасаддилари билан суҳбатлашди. Ташрифдан барчамиз мамнун бўлдик. Маҳалламизни янада обод, одамларни рози қилиш учун нималарга аҳамият қаратишимиз лозимлиги ҳақида топшириқлар олдик.

2-саҳифада.



“Эҳтиёжмандлар ҳаётида илинж пайдо бўляпти”

Буюртма қилинган маҳсулотларни етказиб бериш учун 120 минг сўмдан тўловни амалга ошириш керак. Баъзилар бу маблағни ўзи тўласа, айрим ҳолатларда мазкур харажатни эҳтиёжманд кишилар учун маошимиздан қоплаб беришга мажбур бўляпмиз. Шу масалада бироз қулайликлар яратилишини таклиф қилган бўлардим.

7-саҳифада.



Mahalla 365

2024 йил 18 майда Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолашда маҳалла раисининг иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.



☑ “Маҳалла еттилиги” фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича алоҳида баҳоланади.



☑ Баҳолашда маҳалла раислари 20 фоиз балл бериш ҳуқуқига эга бўлади.



☑ “Маҳалла еттилиги”нинг фаолияти ҳар ойлик иш режалар асосида амалга оширилади.



☑ Хотин-қизлар фаолини баҳолашда ҳимоя ордерлари сони инобатга олинмайди.



☑ Ҳоким ёрдамчиларини баҳолашда уларнинг олис ҳудудларда фаолият юритаётганига қўшимча коэффициент берилади.



☑ Маҳалланинг ягона платформаси доирасида маҳалла раисининг баҳолаш тизимини назарда тутувчи модуль ишлаб чиқилади.



Президент озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, пахта ва ғалла ҳосилдорлигини ошириш бўйича ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ билан танишди.



Шавкат Мирзиёевга автомобил саноатида қилинаётган ишлар ва 2025 йилга мўлжалланган режалар ҳақида АХБОРОТ БЕРИЛДИ.



Давлатимиз раҳбари Тошкент атрофида “ЯШИЛ БЕЛБОҒ” барпо этиш доирасидаги дарахт экиш тадбирида иштирок этди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

Маҳаллада инсон учун бор имконият мужассам



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Орифжон АЛИҚУЛОВ, Янгиҳаёт туманидаги “Хушнуд” маҳалласи раиси.

Ҳудуддаги 48 та кўп қаватли уй ҳамда 625 та ҳовлида 11 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Жорий йил уч қаватли янги бинода иш бошладик. Биринчи қаватида маҳалла раиси ва ходимларининг хоналари, кутубхона, жадидлар бурчаги жойлашган. Юқори қаватларда аниқ фанлар ва хорижий тиллар бўйича ўқув маркази, фитнес зал фаолият олиб бормоқда. Ертўла қисмида ёшларни касбга йўналтирувчи мономарказ ташкил этилган.

Маҳаллада болалар боғчаси, спорт мактаби, оилавий поликлиника, хусусий клиника, ишлаб чиқариш корхоналари, дўкон ва маиший хизмат шохобчалари бор. Бу йил 49 та микролойиҳа орқали 116 нафар фуқаро бандлиги таъминланди. Йил бошида 95 нафар ишсиз рўйхатга олинганди. Шу кунгача барчаси ишли бўлди. Янги кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилиши натижасида қайта хатловда яна 9 нафар ишсиз аниқланди. Уларнинг тўрт нафари касбга ўқитилиб, субсидия учун ҳужжати расмийлаштирилди. Беш нафари саноат ҳудудидаги корхоналарга ишга жойлаштирилмоқда. Ой якунигача ишсизликдан холи ҳудудга айланамиз.

“Драйвер”имиз — хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик. Жорий йилнинг ўзида ўсиш нуқтамизни ривожлантириш ҳисобига 325 та янги иш ўрни яратилди. Йил якунигача бу рақам 89 тага ортади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатига айланиб улгурди. Биз ҳам бу ишларни янада кучайтириш, даромади паст оилаларни камбағалликдан чиқариш чораларини кўряпмиз. Мисол учун, қайта хатловда 10 та камбағал оила аниқланиб, уларнинг портрети яратилди. Зарур кўмак кўрсатиш мақсадида жами 49 та хизматлар режаси ишлаб чиқилди. Жумладан, ҳоким ёрдамчиси кўмагида тўрт нафари доимий ишга жойланди. Икки нафарига субсидия асосида асбоб-ускуна берилди. Бир нафарига имтиёзли кредит ажратилди. Бешта оила Фавқулоддда вазиятлар вазирлиги, яна бештаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг туман бўлими бошлиғига бириктирилди.

Фуқароларни чет элда ишлашга тартибли ва хавфсиз жўнатиш, юртимизга қайтганларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида “Хорижга иш – маҳалладан” тамойили асосида иш олиб боряпмиз. Йил бошида аниқланган 52 нафар меҳнат мигрантининг 13 нафари оиласи бағрига қайтди. Уларнинг етти нафари ишга жойлаштирилди. Олти нафари имтиёзли кредит ва субсидия ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Ҳозирда ойига ўртача 5-8 миллион сўм даромад топяпти.

Масалан, Нигора Неъматованинг асли касби ҳисобчи. Муносиб иш ҳақи ва иш ўрни топа олмагани учун хорижда ишлашга мажбур бўлганди. Унга субсидия асосида компьютер жамланмаси олиб бердик. Натижада ҳудуддаги хусусий корхоналарга шартнома асосида хизмат кўрсатишни йўлга қўйди.

Ўтган қисқа вақт давомида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш мақсадида катта ўзгаришлар қилинди. Қипчоқ кўчаси катта автомобиль халқа йўлига қўшилди. Барча хонадонларга ичимлик сув тармоғи тортилди. Оқова сув тизими тўлиқ янгиланди. Эски 240 та симёғоч замонавийсига алмаштирилиб, ёритиш чироқлари ўрнатилди. Мавжуд трансформаторлар янгиланди. Натижада электр тармоғидаги муаммоларга ечим топилди. 13 км. масофадаги ички йўлнинг 3 км. қисми шағалланди, қолгани асфальтланди. Бешта болалар спорт ўйингоҳи, воркаут майдони қурилди.

Ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида 360 дона кузатув камераси ўрнатилган бўлиб, 60 та қурилмадаги ёзув маълумотлари тўғридан-тўғри милиция таянч пунктига етказилади. Яна бир ўзига хос ташаббус — янги маҳалла биносида Микрокредитбанк ҳомийлигида ташкил этилган кутубхона 800 дона китоб билан таъминланди. Алоҳида кутубхоначи штати ажратилиб, ишсизлар рўйхатида турган Дилнавоз Эргашева бу лавозимга қабул қилинди. Давлат хизматларининг 55 тури шу ернинг ўзида кўрсатилмоқда. Бешта кўчада “Маҳалла боғи” барпо этилиб, жорий йилда 2000 туп мевали ва манзарали дарахт экилди. Маҳаллий бюджет ҳисобидан 18-мавзеда жойлашган 6-кўп қаватли уйнинг том қисми таъмирдан чиқарилди. 4-, 8-уйларнинг фасад қисми янгиланиб, том қисми ёпилмоқда.

Мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоизи маҳалланинг ўзида қолаётгани натижасида давлат хизматлари ва манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш маҳалла даражасига туширилди. Ҳудуддаги кўплаб муаммоларни ҳал этиш, жумладан, инфратузилмани яхшилаш, ободонлаштириш, моддий ёрдам, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кутубхоналар, спорт майдончалари қуриш каби масалаларни ҳал қилишга замин яратмоқда. Жорий йил 90 миллион сўм маблағ ҳисоб рақамимизга келиб тушди. 14 миллион сўмга мевали ва манзарали дарахт кўчати харид қилдик. Беш нафар фуқарога моддий ёрдам бериш режалаштирилмоқда. Маҳаллага компьютер жамланмаси, планшет сотиб олдик. Бу ишлар учун 37 миллион сўм маблағ сарфланди.

Президентнинг “маҳалла етилиги” фаолиятини ташкил этиш ташаббуси маҳалламиз ҳаётида яққол акс этмоқда. “Еттилик” ходимларининг ҳамкорлиги туфайли “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар”га киритилган оилалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ижтимоий ходим иштирокида 8 нафар фуқарога бепул жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун жами 250 миллион сўм маблағ ажратилди. Эҳтиёжманд Қодир Омоновга уй қуриб, жиҳозлаб берилди. Яна 8 нафар фуқаронинг яшаш хонадони таъмирланди. Ногиронлиги бўлган Шаҳло Ҳолиқовага кир ювиш машинаси совға қилинди. Ишсиз ҳамда ногирон фарзанд тарбиялаётган Маъсуда Султоновага моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун бино ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллада туманнинг имкониятлари мужассамлашган. Бу ислоҳот ва янгиланишлар аҳоли яшаш шароити яхшиланишига, турмуши фаровонлашувига омил бўлмоқда.

ТАЖРИБА

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси одамларни бирлаштирди

Маҳаллада 4 минг 460 нафар аҳоли яшайди. “Драйвер”имиз — мебелсозлик. Қайси уйга кирманг, мебелсозлик билан шуғулланаётганига гувоҳ бўласиз. Бекор юрган одамни учратмайсиз. “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида 50 дан зиёд оилавий корхона ёки якка тартибдаги тадбиркор фаолият кўрсатяпти. Ушбу оилаларда 300 нафардан ортиқ ишсизлар бандлиги таъминланган. 2024 йилда 30 дан зиёд микролойиҳа ишга туширилиб, 120 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.



Мансуржон ЙЎЛДОШЕВ, Фуқат туманидаги “Шунқор” маҳалласи раиси.

Шундай хонадон соҳиби — Зокиржон Нишонов. Уста дастлаб фарзандлари билан иш бошлаган. Ҳозирда қўшимча 6 та иш ўрни яратган. Даромади 280 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Халқимиз меҳнаткаш, ердан фойдаланиш сирини яхши билади. Шуни эътиборга олиб, 74 нафар ишсиз талабгорга 15 сотихдан ер бердик. Бугун улар “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида қизил ловия етиштиряпти. Ҳар килоси 18 минг сўмдан сотиляпти. Мавсумда бир киши 3 марта ҳосил олиб, 37 миллион сўм даромад топишяпти.

“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 38 нафар фуқарога кредит берилди. Улар якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланишни бошлади. 5 нафарига Бизнесни ривожлантириш банки орқали 600 миллион сўм маблағ ажратилди. Жами 120 та иш ўрни пайдо бўлди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” тамойили асосида 11 та камбағал оила портрети яратилди. Уларга масъуллар бириктирилиб, амалий кўмак кўрсатилди.

“Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида иккита лойиҳа амалга оширилди. Биринчи лойиҳа бўйича 731 та хонадонга тоза ичимлик сув тармоғи тортилди, иккита сув минораси ўрнатилди. Иккинчи лойиҳага кўра, 21 км. масофадаги электр тармоқ янгиланиб, қўшимча 7 та трансформатор қўйилди.

Инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси халқимизни бирлаштирди. Уларда дахлдорлик ҳисси уйғонди. Мисол учун, 4 км. узунликдаги тупроқ йўл асфальтланди.

Бундан ташқари, иссиқхоначиликни ривожлантириш орқали аҳоли ўзини ўзи банд қилмоқда.

Ҳидоятилло Бозорқулов хонадонидаги 20 сотих ерга 50 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобидан иссиқхона ташкил этди. Етиштирилган помидор, бодрингни, асосан, ички бозорга сотиб, бир қисмини Тожикистон Республикасига экспорт қилмоқда. Йиллик даромад 100 миллион сўм.

Хулоса шуки, одамлар амалга оширилаётган ислоҳотларда томошабин эмас, бевосита ижрочига айланмоқда. Ҳар бир масалада фаол фуқаролик позициясини билдирмоқда.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ БОҒ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Қизилтепа туманининг “Маликобод” маҳалласида Алишер Навоий номидаги боғ барпо этилмоқда.



Ушбу хайрли ташаббус доирасида барча туман ва шаҳар ҳокимлари, вилоят фаоллари, нуронийлар, ёшлар, депутатлар ва кенг жамоатчилик жам бўлиб, биргаликда манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Мазкур боғнинг умумий майдони 101 гектар бўлиб, “Янги Ўзбекистон” массиви рўпарасида қад ростлайдиган яшил ҳудудга жорий йил кузги мавсумда 5 миллион 621 минг дона дарахт ва бута кўчатлари экиш режалаштирилган.

“ҲУҚУҚИЙ МАҲАЛЛА” ЛОЙИҲАСИ СТАРТ ОЛДИ



Ховос туманидаги “Янгиер” маҳалласида “маҳалла еттилиги” иштирокида Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда “Ҳуқуқий маҳалла” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида аҳолини қийнаётган асосий масалалар — кадастр ва шахсга доир ҳужжатларни расмийлаштириш, бандлик, субсидия олиш, мерос, никоҳ гувоҳномаси ва бошқа ҳуқуқий муаммоларга эътибор қаратилди. Мазкур муаммоларни ҳал этиш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Хоразм вилоятида қорақалпоғистонлик соҳа ходимлари ва маҳалла раислари меҳмон бўлишди.



Мақсад — вилоят маҳаллаларидаги илғор тажрибалар, тизимда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар билан яқиндан танишиш.

Илк манзил Гурлан тумани “Олға” маҳалласи бўлди. Меҳмонлар “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида амалга оширилган ишларни кўздан кечиришди.

МАҲАЛЛА ЯНГИ БИНОГА ЭГА БЎЛДИ



Қизириқ туманидаги “Заробод” маҳалласи биноси қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, ҳудудда тикувчилик, қандолатчилик цехлари фаолияти йўлга қўйилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишсиз оилалар вакиллари бепул касб-ҳунарга ўқитилмоқда.

34 НАФАР АЁЛ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

Қувасой шаҳрида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида тадбир ташкил этилди. Унда саноат маҳсулотлари кўргазмаси, фуқароларга ҳуқуқий ва амалий кўмаклашиш, бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси, аҳоли саломатлигини тиббий кўрикдан ўтказиш каби бир қанча хизматлар кўрсатилди.

Дастур давомида “Ёш китобхон” танлови, чет тилларини ўрганиш тўгараги, 10-14 ёшли ўсмирлар ўртасида мини футбол ҳамда шахмат-шашка мусобақалари бўлиб ўтди.

Фуқароларнинг 3 нафари ишга жойлаштирилиб, 72 нафарига шаҳардаги корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринлари учун йўлланма берилди. 14 нафарининг касб-ҳунарга ўқитиш бўйича ҳужжатлари расмийлаштирилди. 34 нафар хотин-қизга тикув машинаси берилиб, бандлиги таъминланди.



Президент пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида барпо этилаётган “ЯНГИ АВЛОД” махсус саноат зонасида бўлди.



Давлатимиз раҳбари “ЯНГИҲАЁТ” технопаркидаги корхоналар фаолияти билан танишди.



Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси ЛАВОЗИМИГА САЙЛАНДИ.

САРҲИСОБ

Барча янги ҳаёт, обод турмуш қуриш учун камарбаста

Туманда аҳоли сони 231 минг 790 нафарни ташкил этади. Ҳудуд маҳаллаларининг асосий “драйвер”и — тадбиркорлик, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги. Кўп хонадонлар томорқадан самарали фойдаланади. Шу боис, бу ишнинг ҳадисини олишган. “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида 1 минг 19 гектар ерга сабзавот, 320 гектарга картошка, 242 гектарга полиз экини, 201,2 гектар ерга мевали дарахт ва ток экилган бўлиб, улардан ҳар йили юқори даромад олинмоқда.





Баҳромжон ИМОМАЛИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бувайда тумани бўлими бошлиғи.

Аҳоли томорқадан фойдаланишда асосий эътиборни иссиқхонага қаратган. Бугунги кунга келиб, 16,1 гектар майдондаги томорқада 905 та иссиқхона мавжуд. Асосан қулупнай, помидор, бодринг, булғор қалампири, турли кўкатлар, лимон каби маҳсулотлар парваришланмоқда. Жорий йил ўсиш нуқтамиз ҳисобланган мебелсозлик, тадбиркорлик йўналишини қўллаб-қувватлаш ҳисобига юзлаб янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилдан “Маҳалла бюджети” тизими амалиётга жорий этилиб, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоизи ҳар бир маҳалланинг ўзида қолиши йўлга қўйилди. Ўтган 9 ойда жами 1 миллиард 298 миллион 78 минг сўм маблағ фуқаролар йиғинлари ҳисоб рақамига келиб тушди. Ушбу маблағ ички йўллар, пиёдалар йўлакчалари, ёритиш тизими, электр энергияси ҳамда табиий газ тармоқлари, ичимлик ва оқова сув тизимини таъмирлашга, маҳалла биноси, ҳудудда жойлашган спорт майдони, нуронийлар чойхонаси, ёшлар маркази, болалар майдончаси, кутубхона, маданият марказини қуриш, жиҳозлашга сарфланди. Бир қисмига ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш, инфратузилмани яхшилаш, “Яшил макон” лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Ҳудуд инфратузилмаси яхшиланиши нафақат аҳолига қулайлик яратади, балки тадбиркорлик фаолияти ривожига ҳисса қўшади. Шу боис туман маҳаллаларида жорий йил электр таъминотини яхшилаш мақсадида 17 дона трансформатор ўрнатилди, 17 км. тармоқ тортилди. Бунинг учун 4 миллиард 3 миллион сўм сарфланди. 90,4 км. тармоқ ва 45 дан ортиқ трансформатор таъмирланди. Натижада 18 та маҳалладаги 12 минг нафардан ортиқ аҳоли ва 300 га яқин тадбиркорлик субъектида электр таъминоти яхшиланди.

Бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида ҳам салмоқли ишлар бажарилмоқда. Туман бўйича 7 минг 530 нафар ишсиз шахс рўйхатга олинган бўлиб, ҳозиргача 3 минг 38 нафари ишга жойлаштирилди. Уларнинг 1 минг 569 нафари доимий, 511 нафари жамоатчилик асосида ишга жойланди. 677 нафари касб-ҳунарга йўналтирилган бўлса, 281 нафари субсидия асосида ўзини ўзи банд қилди. “Бўш иш ўринлари” меҳнат ярмаркасида 489 нафар фуқаро ишга жойлашди. 544 нафарига ишга йўлланма берилди.

> **Юртдошларимизнинг ижтимоий фаоллиги, ўз маҳалласи, эл-юртимиз тақдири ва келажагига дахлдорлик ҳисси ортиб бормоқда.**

Ҳудудда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида “Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Эзгулик — шиоримиз, маърифат — қуролимиз”, “Мен севиб ўқиган китоб”, “Уриниб кўрмасдан бефойда дема”, “Қадрдон мактабимга китоб совға қиламан”, “Заковат”, “Ёшлар — келажагимиз пойдевори”, “Китобхон ўқувчи”, “Ёш китобхон”, “Аниқ фанлар билимдони” каби мавзуларда тадбирлар ўтказилди. Унда 66 минг 351 нафар аҳоли қамраб олинди.

Ҳашар ва ҳомийлик асосида 91 та хонадон эгаларига кўмак кўрсатилди. Мисол учун, “Шўр” маҳалласида яшовчи эҳтиёжманд Раҳмонназар Қурбоновга 4 хонали, “Ойимқишлоқ”да яшовчи Ҳабиба Отажоновага 5 хонали, “Ўрта Қўнғирот” маҳалласида яшовчи Ёдгорали Низомовга 2 хонали, “Деҳқонобод” маҳалласида яшовчи Қосимжон Икромовга 3 хонали уй қуриб берилди. Яхши одамлар, саховатпеша инсонлар меҳри сабаб ватан ичра ватанга эга бўлган фуқаролар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Қувонарлиси, ҳомийлар ҳудуд инфратузилмасини яхшилашга ҳам ҳисса қўшмоқда. Шу каби эзгу ташаббус эвазига “Қоратепа” маҳалласидаги Барҳаёт кўчасига 2,5 км. узунликда асфальт ётқизилди. “Пишағар” маҳалласидаги Уч уйли, Камолиддин Беҳзод, Боғ кўчаларининг 1,5 км. қисми асфальтланди. 33 дона симёғоч бетон устунга алмаштирилди. “Бекобод” маҳалласининг 300 метр ички йўлига бетон қоплама тўшалди.

Бир сўз билан айтганда, ўзгаришлар натижасида маҳалла жамиятнинг таянч устунига, чинакам халқчил тузилмага айланиб бормоқда. Юртдошларимизнинг ижтимоий фаоллиги, ўз маҳалласи, эл-юртимиз тақдири ва келажагига дахлдорлик ҳисси ортиб бормоқда.

ТАЖРИБА

Оғир тоифадаги камбағал оилалар қайд этилмади

“Аёллар дафтари”да рўйхатда турган Гулмира Исмоилова бугун маҳалланинг ўзига тўқ оила вакилига айланди. У “Халқ банки”дан 24 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тикувчилик йўналишида тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Бугун нафақат ишли бўлди, балки иш берувчига айланди. Буюртма асосида либослар тикиш билан бирга, ҳудуддаги хотин-қизларга тикувчилик сирларини ўргатмоқда.



Мавлуда ТОҲИРОВА, Булоқбоши туманидаги “Хонтепа” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Ишсиз тоифадаги Саломатхон Жалилова 31 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига мебел ясаш йўналишида якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Мебелсоз ўғли билан ўзини ўзи банд қилди.

Йил бошидаги хатловда 105 та ишсиз рўйхатга олинганди. Олиб борилган тадбирлар натижасида барчасининг бандлиги таъминланди. Маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айланган. Рўйхатдаги фуқароларнинг икки нафарига субсидия асосида иссиқхона, уч нафарига тикув машинаси берилди. 57 нафарига имтиёзли кредит ажратилган бўлса, қолганлари касб-ҳунар марказларига йўналтирилди.

Маҳалланинг асосий “драйвер”и — гулчилик ва узумчилик. Бандликни таъминлашда ўсиш нуқтамиздан унумли фойдаланяпмиз. Мавжуд 520 та хонадоннинг аксарияти “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида гулчилик ва узумчилик билан шуғулланади.

Мухтасархон Қўлдошевани етакчи тадбиркор сифатида танлаб олганмиз. У 20 йилдан бери гул етиштириш билан шуғулланади. 8 сотих томорқа майдонида лоланинг 5 турини парваришлаб, пиёзни қўшни вилоятларга етказиб беришни йўлга қўйган. Эрта баҳордан сотишни бошлайди. Саригининг донаси 6 минг сўмдан, қизили 1,5 минг сўмдан сотилади. Йиллик даромад ўртача 50 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Президент топшириғига кўра, камбағалликни қисқартиришни янги босқичга олиб чиқиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган эди.

Шундан келиб чиқиб, қайта хатлов ўтказдик. Йил бошида 160 та камбағал оила аниқланган эди. Ҳозир бу рақам 64 тани ташкил этмоқда. Ушбу оилалар 4 тоифага бўлиб олинди. Қувонарлиси, ҳудудда энг оғир тоифадаги камбағал оилалар қайд этилмади. Қолган 3 тоифадагиларга раҳбар ходимлар бириктирилди. Айни пайтда уларни камбағалликдан чиқариш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Бириктирилган масъуллар биринчи навбатда аҳвол билан танишиб, уларни камбағаллик ҳолатига тушиш сабабини ўрганиб, зарур хизматларни кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан умуммиллий ҳаракатга айланган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида миграциядан қайтган фуқароларни доимий даромад келтирадиган фаолият билан банд қилиш асосий йўналишларимиздан бири ҳисобланади. Ўрганишлар давомида 143 нафар мигрант аниқланганди. Шу кунгача уларнинг 30 нафари оиласи бағрига қайтди. Ўзаро суҳбатда аксарияти тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, шу ерда меҳнат қилишни истаётгани маълум бўлди. Дастлабки босқичда 3 нафарига имтиёзли кредит ажратилди. Ўрганиш ишлари давом этмоқда. Қизиқиши ва хоҳишига кўра, қолганларга ҳам амалий ёрдам бериш режалаштирилган. Эътиборлиси, кредит олганларнинг барчаси тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборди.

Шерзод Маматураимов 10 миллион сўм кредит эвазига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш корхонасини ташкил этди. Иқболжон Исоқов 5 миллион нақд пул олиб, новвойчиликни бошлади. Исломжон Жўраевга 10 миллион сўм имтиёзли кредит ажратиш бўйича тавсия бердик.

Бир сўз билан айтганда, “маҳалла еттилиги” ходимлари ҳамкорликда аҳоли мурожаатларини ўз вақтида бартараф этиб, ёшлар, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, одамларнинг яшаш шароитини яхшилашга эришмоқда.

ТАҲЛИЛ

Кечаги ишсиз бугун мулкдор ва тадбиркорга айланяпти

Маҳалламиздаги иқтисодий ўсиш, ривожланишни тадбиркорлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг сафи кенгайган сари ишсизлар шунча камаймоқда. Яратиб берилаётган имкониятдан самарали фойдаланиб, фаолиятини ривожлантираётган ишбилармонлар кўпчиликни ташкил этади. Ўтган йили 20 нафар тадбиркор фаолият олиб борган эди. Жорий йил уларнинг сони 28 нафарга етди.



Отабек БОЗОРОВ, Музробот туманидаги “Гулобод” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, бандликни таъминлаш бўйича жорий йилнинг ўтган даврида 63 нафар талабгорга имтиёзли кредит ажратдик. 2023 йилда бу рақам 54 тани ташкил этган.

Мисол учун, Фарҳод Норов дастлаб “Фарзиддин” хусусий корхонасини ташкил этганди. Фаолиятини кенгайтириш учун унга “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида 100 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Натижада иш ўринлари 7 тага кўпайди. Ҳозир арзон нархда сифатли қурилиш маҳсулотларини ички бозорга етказиб бермоқда. Даромади йилига 60 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида Ҳамроқул Инайдуллаевга амалий кўмак берилиб, дастлаб 33 миллион сўм кредит ажратилган. Жорий йил яна 80 миллион сўм маблағ берилиб, хориждан зотдор сигир олиб келди. Бундан ташқари, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Имтиёзли кредит ва субсидия эвазига кечаги ишсиз фуқаро бугун мулкдор, тадбиркорга айланмоқда. Масалан, Қурбон Норқулов қизиқиши, қобилияти бўлса-да, имконияти йўқлиги учун ишсизлар сафида эди. Унга 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағга совун ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, учта иш ўрни яратди.



Бир дона совун 2,5 минг сўмга тайёр бўлмоқда. Маҳсулотнинг соф фойдаси 1,5 минг сўм. Қанча кўп сотув бўлса, даромад ортади. Шу боис маҳсулотга харидор топиш, хўжаликларни кенгайтириш, имтиёзли кредит олиш сингари йўналишларда ёрдам беряпмиз.

Шу каби илгари ишсиз бўлган аҳоли бандлиги таъминланяпти. Масалан, йил бошида 98 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлса, айни кунда 8 нафар қолди. Уларга субсидия асосида ускуна олишга тавсия берилди.

Бир сўз билан айтганда, хусусий секторнинг қўллаб-қувватланаётгани янги иш ўринлари яратилишига, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

КРЕДИТ ОЛГАН ОДАМ ҚАРЗИНИ ТЎЛАМАСА...

Каримжон НАРИМОНОВ. Чортоқ тумани.

— Икки йил олдин танишим банкдан кредит олди. Унга кафил бўлган эдим. Бугунга келиб, кредитини тўламаяпти. Банк ходимлари қарзни мендан талаб қилишяпти. Қандай қилиб, бу ҳолатдан қутилишим мумкин?



Севара ЎРИНБОЕВА, Адлия вазирлиги медиа маркази раҳбари:

— Бу низоли ҳолатга Фуқаролик кодексида жавоб берилган. Қонуннинг 292-моддасига асосан, кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс (кредит олган одам) ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори (кредит берган банк) олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

Юқоридаги кодекснинг 293-моддасига асосан, қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар (биргаликда) жавоб беради.

Яъни, кредит олган одам қарзни қайтармаса, мажбурият кафилга ўтади. Бу вазиятдан чиқишнинг битта йўли бор. У ҳам бўлса, кредит қарзини тўлиқ тўлаш. Агар маблағ сиздан ундириб олинса, юқоридаги кодекснинг 295-моддасига кўра, кредит ёпилганидан кейин ўша пулларни банк хисоби бўйича фоизлари билан қарши тартибда ундириб олишингиз мумкин.



“ВАТАНДОШ КАРТАСИ”га эга шахслар Ўзбекистон ҳудудига визасиз кириши ва чиқиши мумкинлиги белгиланди.



Айрим қонун ҳужжатларига ҲАЙВОНОТ ва ЎСИМЛИК дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.



Ҳукумат қарорига асосан, айрим тоифадаги жисмоний шахсларга давлат ҳисобидан ЮРИДИК ЁРДАМ кўрсатилади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

АЪЛОЧИГА ИМТИЁЗЛИ ТАВСИЯНОМА БЕРИЛАДИ

“Ўқувчи-ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинган.



Қарорга кўра, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб, “Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, фаол ҳаётий позиция” тамойилига асосан, янгиланган **чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик** (ЧҚБТ) фанининг ўқув дастури ва дарсликлари яратилади. Таълим ташкилотларида бу фан **ҳафтасига икки соатдан** ўқитилади. 2025 йил 1 июндан таълим ташкилотларида **ЧҚБТ раҳбари** лавозими жорий этилади.

Қарор билан ҳар бир туман (шаҳар) да битта умумий ўрта таълим мактаби негизида **“Жасорат мактаби”** фаолияти йўлга қўйилади.

“Жасорат мактаблари”да:

• математика, ЧҚБТ, тарих, жисмоний тарбия, чет тили, физика фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади;

• ўқиш учун ўқувчиларни саралаш 5-синфдан бошлаб амалга оширилади;

• робототехника, келажак ўйинлари, тиббий тайёргарлик, ҳуқуқий саводхонлик, миллий спорт ўйинлари каби тўгарак машғулотлари ўтказилади;

• ўқув йили давомида икки марта ҳарбий полигонларда, ҳар чоракда бир марта ҳарбий қисмларда амалий машғулотлар олиб борилади.

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб, “Жасорат мактаби”ни аъло баҳолар билан тамомлаган **“Ватан таянчи”** отрядининг аъзоси бўлган бир нафар ўқувчига олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган ҳамда юридик таълим муассасаларига ўқишга кириш учун **имтиёзли тавсиянома** берилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Мадина ЁҚУБОВА.
Қўшкўпир тумани:

— Институтга 1 ставкага асосий иш ўрнига қабул қилиндим. Ҳеч қандай илмий даражам йўқ. Аммо магистрлик дипломи, чет тилидан IELTS ва TEFL сертификатлари бор. Бироқ институт мени ўрнимга PhD даражасини ҳимоя қилаётган докторантни ишга олмоқчи. Бу қонунийми?

“ДОКТОРАНТ ИШ СЎРАБ КЕЛСА...”



Қудрат РЕДЖАБОВ,
Қўшкўпир тумани адлия бўлими бошлиғи:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги тегишли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-бандига асосан, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр лавозимини эгаллаш учун танловда тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис) қатнашиши мумкин.

Ишдан бўшатиш учун Меҳнат кодексининг 155-моддасидаги асослардан бири бўлиши лозим. Сизнинг ҳолатингизда бундай асос мавжуд эмас. Шундай экан, сиз айтганингиздек, энди PhD даражасини ҳимоя қилаётган докторант иш сўраб келса, иш берувчи сизни ишдан бўшатиб юбора олмайди.

ТАҲЛИЛ

Масъулият ҳисси иқтидорларни тоблайди

Туманимизда 15 та маҳалла мавжуд. Уларда 18 минг 400 нафар йигит-қиз истиқомат қилади. Ҳудудлар кесимида “оғир” тоифадаги ёшлар жами 76 нафар бўлиб, улар таркибига пробация назоратидагилар, профилактик ҳисобда турганлар, мунтазам дарс қолдирувчилар, нотинч оила фарзандлари, миграциядан қайтиб келганлар, оилавий ажралиш ёқасидаги ёш оилалар ва бошқалар киради.



Самандар РИСБЕКОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Конимех тумани бўлими бошлиғи.

Бу тоифадаги ёшларга 11 нафар масъул раҳбар бириктирилган. Ўзаро суҳбатлар натижасида 77 нафар ёшнинг турли муаммолари аниқланиб, барчаси ижобий ҳал этилди. Жумладан, 3 нафар ёш бўш иш ўринларига жойлаштирилди, 1 нафарига имтиёзли кредит, яна 1 нафарига ер майдони ажратилди, 2 нафарининг сафарбарлик чақирув резерви бадали, 39 нафарининг даволаниш харажатлари қоплаб берилди, 4 нафарига бир марталик моддий ёрдам ва 29 нафарига бошқа турдаги кўмак турлари кўрсатилди.

Конимех тумани бўйича жами 4 056 нафар ёшни вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар оталиққа олган. Уларнинг 76 нафари “оғир” тоифадаги, 10 нафари жиноятчиликка мойил, 161 нафари ишсиз, 102 нафари миграцияга кетган, 1 466 нафари битирувчи, 553 нафари профессионал таълим муассасалари ўқувчилари, 1 688 нафари олий таълим муассасалари талабалари ҳисобланади. Оталиққа олинган 286 нафар ёшнинг муаммолари ижобий ечим топди.

Хатлов натижасида жами 635 нафар ишсиз ёшнинг “Бандлик дастури”га киритилиши белгиланган бўлиб, жорий йилда уларнинг тўлиқ бандлиги таъминланди. Худди шундай, “Уйчи тажрибаси” асосида вилоят бўйича 1 300 нафар норасмий банд бўлган ёш электрон платформага киритилди. Йўналишлар кесимида олсак, уларнинг 110 нафари доимий иш ўринларига жойлаштирилди, 751 нафари ўзини ўзи банд қилди, 4 нафари касб-ҳунарга ўқитилди, 6 нафарига субсидия асосида меҳнат қуроли берилди. Шунингдек, 429 нафари муаммосиз ёш ҳисобланиб, бошқа туман ёки вилоятга турмушга чиққан ва кўчиб кетганлардир.

Туман бўйича ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этиш ҳолатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайган. Жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида туманда ёшлар 11 та жиноятни содир этган. Олиб борилган таҳлиллар шуни









кўрсатадики, ёшлар орасида жамоат таъсирининг камайгани, ишсизлик, ижтимоий тармоқларга берилиш натижасида уларда пайдо бўлган норозилик кайфияти жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ортишига асосий сабаб бўляпти. Айни жиҳат ҳисобга олиниб, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Мен ҳам аскар бўламан”, “Армия — менинг фахрим”, “Менинг армиям — менинг таянчим”, “Жалолиддин издошлари”, “Ким ватанга содиқ бўлса — мендирман ўша”, “Шараф сизга матонатли посбонлар”, “Ҳарбий қисмда бир кун...”, “Очиқ эшиклар куни”, “Ёш чегарачи”, “Ёш қутқарувчи” каби 40 дан ортиқ лойиҳа ва тадбирлар амалга оширилиб, унда жами 6 560 нафар ёш қамраб олинди.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, хорижий тил ва замонавий касб-ҳунарга ўқитиш йўналишида хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида 3 449 нафар ёш 23 та хорижий тилни ўрганмоқда, шундан 552 нафари сертификат олган. “Устоз AI” лойиҳасида 520 нафар ёш 20 га яқин замонавий касбларни онлайн ўрганмоқда. “Мутолаа” лойиҳаси 3 561 нафар, “UzChess” лойиҳаси 123 нафар ёшни қамраб олган. Шунингдек, юқори даромадли фаолиятга жалб этиш мақсадида “Келажак касблари” лойиҳасида 15 нафар ёшнинг ўқув марказларидаги 30 млн. сўмлик курс харажатлари тўлаб берилди.

Бугун ёшлар учун имкониятлар кун сайин кенгайиб бормоқда. Уларга кўпроқ масъулият юклаш орқали қобилиятларини тўлақонли намоён этишига йўл очиб бериш керак, холос. Биздан кутиладигани фақат кўзлари ёниб турган, янгиликка ўч, иқтидорли ёшларни қўллаб, уларга устун вазифасини ўтамоқдир. Бу йўлда биз уларга кўмак бериб, орзулари рўёбига эришишларида ёрдамчи бўламиз.

МАНЗАРА

Шароит бўлганида ёшлар шаҳар марказига қатнашмас эди...

Маҳалламизда ёшлар сони 836 нафарни ташкил этади. Йигит-қизлар билан ишлашда уларнинг ҳар қандай муаммосига ечим топишга интиляпмиз. Фаолиятим давомида ёшларнинг шартнома пули ҳамда ҳарбий хизмат резервига маблағ ажратиш тўғрисида кўплаб мурожаатлар қабул қилинди. Ваколатим доирасида уларга барча зарур кўмакни беряпман.

Шаҳзодбек МИРМУСАЕВ,
Ангрен шаҳридаги “8 март” маҳалласи ёшлар етакчиси.







Бу йил тўққиз нафар “оғир” тоифадаги ёш рўйхатга олинди. Ҳозиргача 8 нафарининг муаммоси атрофлича ўрганилиб, ижобий ҳал этилди. Улардан бир нафари ажралиш ёқасида турган эди. Бунга икки ёшнинг келишмовчилиги ва молиявий етишмовчилик сабаб бўлган. Вазиятдан хабар топганимиз заҳоти ёш оилани яраштириш чораларини кўрдик. Суриштирсак, куёв ишсиз экан. Уни дарҳол “Ўзбеккўмир” АЖга ҳайдовчи ёрдамчиси сифатида ишга жойладик. Ҳозирда ойига 3,5 млн. сўм топиб, оиласини таъминлаяпти. Аёлининг ҳам ишлаш истагини инобатга олиб, тадбиркорга бириктирдик. Ўқув қуроллари сотишда ёрдам беради. Ойига 2,5 млн. сўм даромад қилиб, оила бюджетига ҳисса қўшяпти.

Яна бир “оғир” тоифадаги йигит ўғрилик билан қўлга тушгани боис пробация назоратида туради. Бундай қинғир ишга қўл урганига оилавий етишмовчиликларни сабаб қилиб келтирди. Онаси 2-гуруҳ ногирони, отасида ҳам психологик муаммо бор. Ўзи уйланадиган ёшда. Уйини таъмирлаш учун маблағ топишга чора сифатида шу ишни ўзига эп билган. Вазиятни ўрганиб, уни ишга жойлаб қўямиз, деган бир вақтда нохуш воқеа юз берди. Йигит катта йўлдаги тўсинлардан ўтаётиб, йиқилган ва оёғидан жиддий жароҳат олган. Натижада меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолди. Йигитни Ангрендаги шифохонага ётқиздик. Оиласига бир марталик моддий ёрдам пули ажратилди. Тадбиркорлар ижтимоий кўмак кўрсатди. Яқинда уларнинг уйига қуёш панелини жойлаштиришни режа қиляпмиз. Йигит тузалгандан кейин расмий ишга жойлаймиз.

Йил бошидан буён 12 нафар ишсиз ёш аниқланган. Ҳозирда улар тўлақонли ишга жойланди. Маҳалламиз “драйвери” ишлаб чиқаришга асосланган. Шу боис ишсиз ёшларга саноат корхоналарида ишлашни тавсия қиляпмиз. Миграциядаги бир нафар ёш хорижий давлатда конда ишларди. У ер ўта совуқлиги боис соғлиғида муаммо кўп эди. Йигит билан алоқага чиқиб, унга бўш иш ўринларини таклиф қилдик. “Ўзбеккўмир” АЖга ҳайдовчиликка ишга олинди.

Яна бир ишсиз ёш — Дилшод Сайфиддинов тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи эканини билдирди. Унга ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда қорамолчиликни кўпайтириши учун ем маҳсулотларини сотиб олишга 10 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратдик. У кўрсатилган кўмакдан бағоят хурсанд. Қорамолларни кўпайтириб, чорвани кенгайтирмоқчи.

Битирувчиларнинг нималар билан машғул экани мени доимо қизиқтириб келади. Аниқ бўлдики, жорий йилда битирувчиларнинг асосий қисми техникумларга кирган. 3 нафари ишсиз юргани аниқланди. Бир нафарини қизиқишини инобатга олиб, ҳисобчилик йўналишида мономарказга ўқитяпмиз. Бир нафари хусусий ташкилотга синов муддати асосида сотувчиликка жойланди. Яна бирига иш ўринларини таклиф қиляпмиз.

Иқтидорли ёшларимиз ўз маҳоратини намойиш этиб, юқори марраларни эгалламоқда. Жумладан, Диёра Жўрабоева миллий кураш бўйича вилоятда биринчи ўринни олди. Йиғинда “маҳалла лигаси” футбол мусобақаси ташкил этилган. Ҳар йили кузги ва баҳорги мавсумда ёшлар иштирок этади. Маҳаллалар ўртасида ғолиблар аниқланиб, совғалар топширилади.

Ёшларимиз спортда доимо фаол, аммо маҳалламизда инфратузилма талаб даражасида эмас. Йигит-қизлар бўш вақтида спорт билан шуғулланишлари учун футбол, воркаут сингари мини майдончалар йўқ. Таклифим шундан иборатки, маҳалламиз марказида ёшлар истагига кўра, спорт майдончаси қурилса, йигит-қизлар учун манфаатли бўларди. Улар кураш, футбол каби машғулотларни ўтказиш учун шаҳар маркази ёки бошқа маҳаллалардаги спорт мажмуаларига қатнамасди. Шундай шароит яратилса, ёшларда спортга бўлган қизиқиш янада ортиб, мусобақаларга тайёрланиш имконияти ортарди.



Президент фармонига кўра, эндиликда тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширилганда БИЗНЕС-ОМБУДСМАН хабардор этилади.



Тадбиркорлик фаолиятини ЯТТ сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширганлик учун МОЛИЯВИЙ ЖАРИМА бекор қилинади.



2025 йил 1 январдан “ХАВФНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ” электрон тизими жорий этилади.

ЖАРАЁН

“Еттилик” таклифига кўра ихтисослашдик, бандликни таъминладик”



Шуҳрат МУСУРМОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Пахтачи тумани бўлими бошлиғи.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 21 декабрдаги маҳалла бошқарув тизимини такомиллаштириш ва “маҳалла еттилиги” фаолиятига оид “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан бир қатор масалалар ўз ечимини топди.

Жумладан, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим, профилактика ва солиқ инспекторларининг аниқ вазифалари белгилаб берилиб, улар бир жамоа сифатида шаклланди. 67 турдаги ёрдамлар ва субсидиялар “маҳалла еттилиги”нинг коллегиал қарори асосида амалга оширилиши белгиланди. Ҳар бир маҳалланинг ўз бюджети шакллантирилди. Эндиликда шаклланадиган маблағлар “маҳалла еттилиги”нинг коллегиал қарорлари орқали инфратузилмани яхшилашга йўналтириш имконияти пайдо бўлди. Яна муҳим янгилик: инвестиция дастурларини шакллантиришда “маҳалла еттилиги” билдирган таклифлар инобатга олинмоқда.

Мазкур ҳужжатларнинг, шунингдек, давлат раҳбари белгилаб берган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги 59 та маҳаллада аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшлар билан ишлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини самарали ташкил этиш йўналишларида ташкилий-услубий кўмаклашиш ишлари бажарилди. Бу жараёнда дастлаб аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектларига доир жами 25 та йўналиш, 401 та кўрсаткич бўйича барча маҳаллаларнинг баланси шакллантирилди.

Маҳаллалардаги хатлов натижасида аниқланган 1 625 нафар ишсиз аҳоли ҳамда умумтаълим мактабларини тамомлаган битирувчилар “маҳалла еттилиги”, сектор раҳбарлари, тижорат банклари ва ҳокимликлар ҳамкорлигида ўз иш ўринларига эга бўлди. “Сайхунобод тажрибаси” асосида 37 856 та хонадон интенсив боғ, паррандачилик, баликчилик, асал экспорти каби йўналишларга ихтисослаштирилди. Шунингдек, 167 491 нафар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 8,5 трлн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, 46 446 та янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, 98 420 та камбағал оиланинг 27 647 таси камбағаллик даражасидан чиқарилди. Уларнинг 470 тасига иссиқхона қуриб берилди. 106 тасига 843 та асалари уялари, 409 тасига 86 081 бош парранда, 1 894 тасига 14 237 бош чорва моллари тақдим этилди. 4 164 тасига бошқа йўналишда ёрдам кўрсатилиб, бандлиги таъминланди.

Маҳаллалардаги 935 та кўча ва 33 697 та хонадон ўрганилиб, 618 та муаммо аниқланди. Уларнинг 587 таси (94,9 фоизи) ҳал этилди. Жумладан, 205 км. тупроқ йўлларга шағал ётқизилиб, 38,4 км. ички йўллар асфальтланди. 65 та трансформатор таъмирланиб, 9 та янги ўрнатилди. 275 та симёғоч алмаштирилиб, 335 та қўшимча устун қўйилди. 19,3 км. электр кабеллар тортилиб, 380 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. 3 км. газ тармоғи тортилиб, аҳолига 142 560 дона суюлтирилган газ баллони етказиб берилди. 17,8 км. ичимлик сув қувури ётқизилди. 59 та қабристон ободонлаштирилиб, 1 200 км. узунликдаги лоток, ариқ, канал ва зовурлар тозаланди.

Шунингдек, 79 853 нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилиб, 384 нафарида жарроҳлик амалиёти бажарилди. 5 911 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига моддий ёрдам, ногиронлик аравачаси, протез-ортопедия, дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди.

Айни пайтда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси қизғин давом этмоқда. Баҳор мавсумида 38 та маҳаллада “Маҳалла боғлари” ташкил этилиб, 17 мингтадан ортиқ дарахтлар экилган эди. Куз мавсумида ҳар бир хонадонда тўрт тупдан кўчат экиш ишлари олиб борилмоқда. Туман миқёсида етти юз мингдан ортиқ мевали ва манзарали, аҳоли хонадонларига яна шунча мевали дарахт экиш режалаштирилган. Бугунги кунда экилган кўчатларни суғориш ва парваришлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Келгусида “Маҳалла сервис компаниялари”нинг ҳар бирига маҳалла ҳудудидан 1 гектаргача ер майдонини ажратган ҳолда “Мевазор боғлар” ташкил этилиши режалаштирилган.

Пахтачи туманида бу борадаги амалий ишлар давом эттирилмоқда. Йил якунига қадар яна кўплаб лойиҳалар амалга оширилади. Ҳар бири бўйича режа ишлаб чиқилиб, ижросини “еттилик” аъзолари назоратга олган.



ҲАМКОРЛИК

10 ОЙДА БЮДЖЕТГА 125 МЛРД. СЎМ ТУШИРИЛДИ

Солиқ қўмитаси раиси Шерзод Кудбиев “Яндекс”нинг глобал бош директори Даниил Шулейко билан учрашди. Унда такси агрегаторлари орқали йўловчи ташиш соҳасида муваффақиятли фискализация бўйича фикр алмашилди.

Солиқ маъмурчилигида шаффоф тизимлар кутилаётган тушум кўрсаткичларини сезиларли даражада оширди. Дастлаб йиллик солиқ тушумлари миқдори 100 миллиард сўмни ташкил этиши режалаштирилган эди, аммо ҳақиқатда 10 ойда 125 миллиард сўм бюджетга тушумлар таъминланди. Ушбу натижалар компания билан ҳамкорликдаги ишларнинг самарадорлигини ва йўловчиларни ташиш соҳасида шаффоф солиққа тортишнинг аҳамиятини тасдиқлайди.

Учрашувда хизмат кўрсатиш соҳасида шаффофликни таъминлаш орқали фаолият турларини қонунийлаштириш йўлида ҳамкорлик давом эттирилиши таъкидланди.

Эслатиб ўтамиз, бугунги кунда такси фаолиятидан даромад топаётган фуқаролар ярим миллиондан ошди. Ундан ташқари, етказиб бериш фаолияти билан шуғулланиб, даромад топаётганлар ҳам бор.

Солиқ қўмитаси ахборот хизмати.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

ХУСУСИЙ БОҒЧА ВА МАКТАБЛАР СОЛИҚ ВА ЙИҒИМЛАРДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИ

Президентнинг “Таълим соҳасида хусусий сектор иштирокини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан 2030 йил 1 январга қадар нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларига бир қатор солиқ имтиёзлари берилди.

Жумладан, барча турдаги солиқ (*бундан ижтимоий солиқ мустасно*) ва йиғимлардан озод қилинади. Нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган чет эллик ўқитувчи ва мутахассислар жисмоний шахслардан олинадиган **даромад солиғи ва ижтимоий солиқ тўламайди.**

Шунингдек, **2030 йил 1 январга қадар** нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган қуйидаги товар жиҳозларига божхона тўловлари тўламайди (*божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно*):

– замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари;

– компьютер техникаси ва дастурий маҳсулотлар;

– ўқув ва илмий-методик адабиётлар, анжомлар ва моддий-техник ресурслар.

2025 йил 1 январдан бошлаб:

– нодавлат таълим ташкилотларига доимий жалб этиладиган педагог хорижий мутахассисларга “А-2” ўқитувчилар кириш визаларини бериш йўлга қўйилади;

– давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари томонидан хориждан жалб қилинган мутахассисларга меҳнат қилиш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома бериш йиғим миқдори БҲМнинг 30 бараваридан 1 бараваригача камайтирилади.

Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги мультимедиа маркази раҳбари.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Хатлов қўшимча даромадни кўпайтирди, тушумларни оширди

Бугунги кунда Навоий вилоятида 330 та маҳаллага 169 нафар солиқ инспектори бириктирилган. Уларнинг маҳаллада ҳар бир солиқ тўловчи билан бевосита иш олиб бориши, ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиши натижасида 3 793 та корхонадаги 13 875 нафар ходимнинг норасмий фаолияти қонунийлаштирилди. Бунинг самарасида бюджетга қўшимча 2,9 млрд. сўм миқдорида даромад солиғи ҳисобланди.

Нуриддин РАҲИМОВ, Навоий вилояти солиқ бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

Қонуний тартибда рўйхатдан ўтмасдан ишлаб келган 4 162 та хўжалик юритувчи субъект фаолияти қонунийлаштирилди. Ўз навбатида, вақтинчалик молиявий қийинчиликларга дуч келган 1 824 нафар тадбиркорнинг фаолияти тикланди. 60 533 нафар фуқаронинг ўзини ўзи банд қилиши таъминланди.

“Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш натижасида 7 785 нафар тадбиркорнинг товар айланмаси 14,7 млрд. сўмга оширилди. Яъни, қўшимча 6,9 млрд. сўм миқдорида айланмадан олинадиган солиқ манбаси шаклланди. Бугунги кунга қадар жисмоний шахслардан ундирилган 81,7 млрд. сўм миқдорида мол-мулк ва ер солиқларининг **8,2 млрд. сўми маҳаллалар ихтиёрида қолдирилди.**

“Маҳаллабай” ишлаш тизимининг жорий этилиши билан маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли даромадларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш борасида пухта режа асосида ўз ишини тўғри ташкил этиб келаётган соҳа ходимлари меҳнати муносиб рағбатлантирилмоқда. Жумладан, вилоятнинг энг олис **Конимех туманидаги “Гулистон” маҳалласига бириктирилган солиқ инспектори Улуғбек Умаров** октябрь ойи натижаларига кўра, вилоят миқёсида ягона 100 баллик кўрсаткични қайд этиб, ойлик маошига қўшимча 200 фоиз устамага эга бўлди.

– “Гулистон” маҳалласи туман марказида жойлашган бўлиб, аксарият аҳолиси чорвачилик, савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд, ***– дейди солиқ инспектори Улуғбек Умаров.*** *– Маҳаллаларда қўшимча даромад манбалари яратиб, маҳаллий бюджет тушумларини ошириш учун, аввало, ҳудудимиздаги солиқ тўловчиларни хатловдан ўтказяпмиз. Хатлов жараёнида 36 та объект аниқланиб, қўшимча 19,3 млн. сўм солиқ тушуми ҳисобланди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 3 та тадбиркорлик субъекти фаолияти қайта тикланди, ноқонуний фаолият кўрсатаётган 20 нафар тадбиркор рўйхатдан ўтказилди. 20 та корхонада норасмий ишлаётган 96 нафар ишчининг меҳнат фаолияти қонунийлаштирилди. Бундан ташқари, уйида норасмий даромад топиб келаётган 193 нафар фуқаронинг ўзини ўзи банд қилишга кўмаклашдик. Натижада 87 млн. сўм қўшимча манба аниқланди.*

Ҳозирда “Гулистон” маҳалласида жами 52 та юридик шахс, 4 та фермер хўжалиги, 22 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда. Шунингдек, 7 та деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. Жорий йил якунига қадар барча солиқ тўловчилар ҳисобидан 447,4 млн. сўм ундирилиши кутилмоқда. Натижада 44,7 млн. сўм маҳалла бюджетида қолади.



Бугунги кунда Улуғбек Умаров каби ҳар бир солиқ инспектори “маҳалла еттилиги”нинг иқтисодий таянчи бўлиб, ҳудуднинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини оширмоқда. Натижада солиқ ислоҳотларининг амалий натижасини ҳар бир фуқаро, тадбиркор кундалик ҳаётида сезмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда яратилган янги солиқ тизими аҳолига тадбиркорлик билан қонуний шуғулланиш, ўзи ва оиласини даромадли қилиш имкониятини беряпти.



Давлат маданият муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг ИШ ҲАҚИ оширилади.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ билан Андижон давлат техника институти ташкил этилади.



РЕСПУБЛИКАДА БЎЛИШИ НОМАҚБУЛ деб топилган шахсларнинг рўйхати шакллантирилади.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Ишсизлик бор, бироқ интилишдан ҳеч ким тўхтагани йўқ

Орол денгизининг қуриши табиат ва инсониятга катта талофат келтирди. Айниқса, тиббий, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар кўпайди. Мўйноқ туманидан юз километр олисда жойлашган Қозоқдарё овул фуқаролар йиғини бир пайтлар денгиз тўлқинларига урилиб турган бўлса, ҳозир 169 минг гектар ер майдони тақир кенгликларга айланган.

Нагмет МАХАМБЕТОВ, Мўйноқ туманидаги Қозоқдарё овул фуқаролар йиғини профилактика катта инспектори, майор.

Бу ерда аҳоли хўжаликлари анча тарқоқ жойлашган. Масалан, йиғин марказидан 7 километр узоқда бўлган Эрназаржарма овулида 25 та хўжалик яшамоқда. Ҳозир учта овулдан иборат йиғинда жами 520 та хонадон бор. “Жалтирбас” кўли улар учун ягона ҳаёт манбаидир. Орол денгизидан ажралиб қолган ушбу кўл ҳудуди ўттиз уч минг гектарни ташкил этади. Амударё сувининг охирги ирмоқлари фақат шу ергача етиб келмоқда, холос.

Аҳоли мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, чорвачилик ва балиқчилик ортидан кун кечирмоқда. Айримлари овулдаги иккита мактаб, иккита давлат боғчасида меҳнат қилмоқда. Бир қисми савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида банд. Бироқ тадбиркорлар учун газ масаласи оғриқли муаммо бўлиб қолмоқда.

Ҳудудда кенг яйлов ва тўқайзорлар бўлгани учун чорва моллари боқишга анча қулай. Лекин ҳеч ким чорва молларини ҳайдаб ёки боғлаб боқмайди, ҳамма тўқайзорларга қўйиб юборишади, ўзлари ўтлаб юради. Улар орасида саккизта чорва фермер хўжалиги моллари ҳам бор. Бироқ назоратсиз қолдирилган чорва моллари орасида йўқолишлар ёки ўлим ҳолати юз бериши табиий. Шу боис ўғриликнинг олдини олиш учун хонадонма-хонадон юриб, аҳолига молларини назоратсиз қолдирмасдан ўзлари боқишларини тайинлаб, бу бўйича ҳар биридан тилхат олдик. Бир нечта от ўғриларини ушладим. Шунингдек, тунги кузатув назорат тадбирлари ташкил этиб, овулнинг асосий кириб-чиқиш йўлларига, мактаб, боғча ва савдо дўконларига замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатдик.

Овул фуқаролари бир-бирини яхши танийди. Шу боис турли ҳуқуқбузарлик ёки оилавий келишмовчиликлар йўқ. Шундай бўлса-да, аҳоли билан мунтазам учрашиб, мавжуд хавф-хатарлар ҳақида огоҳлантириб, жиноятнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтириб боряпман. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари, уларга имкон берувчи шарт-шароитлар “маҳалла еттилиги” ва жамоатчилик тузилмалари билан биргаликда бартараф этилмоқда. Шу тариқа беш йилдан буён “яшил” тоифадамиз.

Биласиз, жиноятчиликнинг асл илдизи бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ишсиз аҳолини ишли қилишга, ёшларни ўзи қизиққан машғулотлар билан банд қилишга интиляпмиз. Бироқ овулда бирор ишлаб чиқариш корхонаси ёки тадбиркорлик кенг ривожланмагани учун ишсизлик муаммоси бор. Эллик нафарга яқин фуқаро чет элга ишлашга кетган. Шундай бўлсада, ёшларимиз чекингани йўқ. “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг волейбол йўналишида икки маротаба мамлакат чемпиони бўлди. Бунинг натижасида овулда воркаут ҳамда мини футбол стадиони қуриб берилди.



Ҳозир учта овулдан иборат йиғинда жами 520 та хонадон бор. “Жалтирбас” кўли улар учун ягона ҳаёт манбаидир.

Қувонарлиси, бир пайтлар Орол денгизига чўкиб кетишига бир баҳя қолган икки болани қутқариб қолгандим. Яқинда шу воқеа асосида газетада мақола эълон қилишибди. Ўқиб хурсанд бўлдим, касбимдан фахрландим.

Излаган имкон топар, деганларидек, бор имкониятларни ишга солиб, овулни жиноятдан холи ҳудудга айлантириш йўлида кечаю кундуз қозоқдарёликлар хизматидамиз. Бу борада “маҳалла еттилиги” аъзолари энг яқин кўмакдошимга айланган.

СУД ҲУКМИ

СОХТА САВДОНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

XXI асрни бежизга ахборот асри, дейишмайди. Аввал фақат телевизор, радио, оммавий ахборот воситалари орқали дунё воқеаларидан кечикиб бўлса-да, хабардор бўлган бўлсак, бугун интернет тармоғи орқали дунёнинг исталган нуқтаси билан боғланиб, воқеаларнинг реал жараёнини кузатиш муаммо эмас. Бироқ бу айрим нопок, тер тўкмай, пул топишни ният қилганлар қўлида ўзига хос қурол бўлиб хизмат қилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.



Суҳроб интернет тармоғидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишни анчадан буён режалаштириб юрарди. Мақсади – интернет фойдаланувчиларини сохта эълонларга қизиқтириб, масофадан туриб пул ишлаш эди. Режасини ипидан игнасигача пухта ўйлаб, ахийри ишга киришишга аҳд қилди.

2022 йилнинг ноябрь ойида телеграм ижтимоий тармоғида сохта профил очди ва ушбу профил орқали тармоқдаги турли гуруҳларга “PUBG” номли ўйин қаҳрамонлари яратилган профил-аккаунтлари ҳамда сотув сайтига “Samsung S20” мобиль қурилмасини сотиш ҳақида сохта эълон жойлаштирди. Харидорларнинг арзон нархга учишини билиб, аслида мавжуд бўлмаган товарларнинг нархини пастлаб кўрсатди. Тез орада Рустам эълон бўйича мурожаат қилди. У мобиль қурилманинг нархи (2 млн. 700 минг сўм) нима учун арзонлиги билан қизиққанида Суҳроб унга ўзини онлайн дўкон эгаси эканлиги, олибсотар эмаслиги, биринчи қўлдан олаётганини билдирди. Бошланғич тўлов – 600 минг сўмни пластик картага ўтказиб бериши билан такси орқали айтилган манзилга етказилишини ёзиб, уни ишонтирди.

Табиийки, Рустам унинг бу макрига илинди ва айтилган пулларни ўтказиб берди. 19 ноябрь куни Зиёдулла худди шундай усул билан “PUBG” номли ўйин қаҳрамонлари яратилган профилни 1 млн. 60 минг сўмни пластик картасига ўтказиш йўли билан “сотиб олади”.

Бу ўйин жуда кенг тарқалган бўлиб, унда дунёнинг исталган мамлакатидан туриб, бошқа мамлакатдаги шахслар бир вақтнинг ўзида бир нечтаси билан бирга онлайн тарзда ўйнаши мумкин. Ўйинда ҳамма ўзининг кучайтирилган ўйинчи қаҳрамонларини профил орқали алоқага чиқиб савдолашиб, сотиб пул ишлаши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди И.Суҳробнинг қилмишини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми, “б”, “г” бандлари (“Фирибгарлик”) билан айбли деб топди. Унинг муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, пушаймонлиги, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини инобатга олиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари, миқдорида жарима жазосига ҳукм қилди.

Ортиқбой ЖУМАНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ҳузуридаги Тергов бўлими терговчиси.

МИНБАР

Конституция кафолатлаган фаолият

Фируза МУҲИДДИНОВА, Тошкент давлат юридик университети профессори, Миробод тумани халқ депутатлари Кенгаши депутати.



Маҳалла ва фуқаролар билан ишлаш тизимининг ҳам конституциявий, ҳам қонуний асоси мавжуд.

Бугун маҳалла деганда, дунё давлатларида камдан-кам учрайдиган, ҳар бир инсоннинг қалбига йўл топадиган, меҳр, инсонпарварлик, бағрикенглик ва оқибат қўрғони тушунилади. Ахир, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” каби саховат дафтарлари мана шу институтда ташкил топди. Шу боис янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг обрўйи ошди, халқ дарду ташвишини ҳал этадиган масканга айланди. Ҳар бир инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўз ҳаётини, қувончу ташвишларини ўзи яшаб турган маҳалласида ҳал этишга ўрганди.

Қувонарлиси, маҳалла ва фуқаролар билан ишлаш тизимининг ҳам конституциявий, ҳам қонуний асоси мавжуд. Яъни маҳаллалар ўзининг қадимдан бажариб келган зиммасидаги вазифаларни самарали бажариши учун ҳуқуқий асослар билан бирга, етарли шарт-шароитларга эга бўлганининг гувоҳи бўляпмиз.

Эътибор берсак, Конституциямизга илк маротаба фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилиб, унинг XIII боби “Фуқаролик жамияти институтлари” деб номланди. Жумладан, **Бош Қомусимизнинг 69-моддасига кўра:** “Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти қонунга мувофиқ амалга оширилади”.

Қувонарлиси, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган ишларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг маҳалла тизимини янада тараққий эттириш, обод ва фаровон, ҳар бир инсон муносиб ҳаёт кечиришига боғлиқ барча масалалар ечимини ўзи яшаётган маҳалласи даражасида кўриш, ўрганиш ва ҳал этиш ташаббуси амалий янги қадамдир. Жумладан, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бугунги кунда ҳамма иш маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилинмоқда. Бу тизим босқичма-босқич ривожлантирилмоқда, унга қўшимча куч, имкониятлар бериляпти. Бу, албатта, ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани. Маҳаллалар – давлатимизнинг энг катта замини.

Президентнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳам конституциявий ислоҳотларнинг мантиқий давомидир. Мазкур ҳужжатга кўра, Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши маҳаллаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгиловчи, даромад ва харажатлар ҳамда дастурларни тасдиқловчи олий орган ҳисобланишининг ўзи халқимиз оғирини енгил қилиши айни ҳақиқатдир.

Эътибор берсак, мазкур ҳолатнинг ҳуқуқий кафолати Ўзбекистон Конституциясининг 127-моддаси иккинчи бандида: “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек, миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли”, деган нормаларда кафолатланган. Демак, маҳаллаларнинг қонунга мувофиқ ва мустақил фаолият олиб бориши кафолатланган. Шунингдек, Асосий қонунимизнинг 127-моддаси учинчи бандида давлатнинг маҳаллалар фаолияти учун масъул экани ҳақидаги нормада, яъни: **“Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади”,** деб белгилаб қўйилганининг ўзи маҳаллаларимизнинг ўз ҳудудини мустақил бошқариши ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириши, аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб, давлат билан шериклик асосида муаммоларни ҳал этиши билан бирга, самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишини назарда тутади. Бу эса, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам “Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш”, деган биринчи мақсадни кўзлагани бежиз эмас.

Бу йилги сайловлар натижасида халқ депутатлари Миробод тумани Кенгаши депутатига сайландимки, мазкур соҳадаги ислоҳотлар билан бевосита халқимиз орасида бўлишим, фаолиятим билан боғлиқлиги мазкур ҳолатни кенг таҳлил этишга ундайди. Жумладан, Конституциянинг **“Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари”** деб номланган **XXI боби** ҳамда мазкур бобнинг **120-моддасида** давлат ҳокимияти вакиллик органи бўлган халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қилиши, вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди. **122-моддада** эса, халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатлари белгиланди.

Албатта, мазкур конституциявий янгилик вакиллик органининг мустақиллиги, халқчиллиги ва адолатлилигини таъминлаш баробарида ҳудудлар равнақига хизмат қилади. Зеро, бу ҳақда давлатимиз раҳбари жамиятимиздаги барча жараёнлар тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия қўрғони бўлган миллий демократик институт – маҳалла ҳаётида ўз ифодаси ва амалий ечимини топиши зарурлигини таъкидлаб, давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилишини кўрсатиб ўтди.



Энергетика вазирлиги ва тизим корхоналари 24/7 ИШ РЕЖИМИГА ўтди.



2025 йил 1 январдан солиқ ва тушумларнинг КАМИДА 50 ФОИЗИ туман (шаҳар) лар бюджетларига қолдирилади.



2025 йилда ҳам бола пули ва моддий ёрдамларни бюджетдан молиялаштириш тартиби ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛАДИ.

ЖАРАЁН

Мақсад сари қарор қатъий, қадам шахдам қўйилган

Бугунги қабул қилинган қарор эртанги кунимизнинг қандай кечишини белгилаб беради. Ҳозир қилаётган ишимиз билан келажак учун пойдевор яратаётган бўламиз. Айниқса, бу ёндашувни маҳалла тизими мисолида кузатадиган бўлсак, “еттилик”нинг ҳар бир ходими ишига нисбатан масъулият ҳис қилса, бу аҳолининг фаровон турмуш кечириши сари йўл очади. Шундай экан, айни мақсад сари илдам одимлаш замони келди.



Шоядбек САТТОРОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Балиқчи тумани бўлими бошлиғи.

Маҳалла — халқ ишонадиган, суянадиган тизим сифатида қатор вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Биринчи навбатда, кишиларнинг бандлигини таъминлаш асосий мақсадларимиздан бири саналади. Туманимиздаги 66 та маҳаллада ишсиз аҳоли вакиллари билан тизимли тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, хатлов натижасида аниқланган 6 минг 624 нафар ишсиз ҳамда 2 минг 386 нафар мактаб битирувчисининг бандлигини таъминлаш бўйича маҳалла, сектор, туман ва вилоят кесимида махсус дастурлар тайёрланди. Натижада жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, 6 минг 110 нафар кишининг бандлиги тўлиқ таъминланди. Шундан 567 нафари доимий иш ўрнига эга бўлса, 280 нафари касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Қолаверса, 1 минг 62 нафарига кредит ҳамда 65 нафарига субсидия маблағи ажратилди.

Халқимиз азалдан меҳнат қилишни яхши кўради. Шароит ва имконият яратиб берилса, бас. Орамизда маҳалланинг қўллаб-қувватлаши билан ўз йўлини топаётган, ҳавас қилгулик ютуқларга эришаётган тадбиркор ва ҳунармандлар талайгина. Жумладан, “Сиза” маҳалласида жами 600 дан ошиқ хонадон бор. Шундан 117 таси сават тўқиш билан шуғулланади. Тайёр маҳсулотлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларига етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, қўшни республикаларга экспорт қилиш йўлга қўйилган.

Барно Тешабоева 10 йилдан буён шу ҳунар ортидан даромад топиб келмоқда. Жорий йилда фаолиятини кенгайтириши учун 25 миллион сўм субсидия, тол экишига 1 гектар ер ажратилди. Шунингдек, махсус ускуна хариди учун 5 миллион сўм кредит берилди. Ҳозир қўл остида 25 нафар ходим фаолият юритади. Улар меҳнат қилиш асносида янги ҳунар эгаси бўлиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Ёз фаслида бир кунда шогирдлари билан бирга 100-150 тача сават тўқишади.

Ҳудудларда “Омбор китоби” шакллантирилди ва уларда ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, ёшларга ер ажратиш, хонадонларни обод қилиш, кўчаларда ҳашарлар ташкил этиш бўйича манзилли чора-тадбирлар ва ижро муддатлари белгиланди.



Туманимиздаги “Кўл бўйи” маҳалласи аҳли “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2024 йил 2-мавсумида Андижон вилояти бўйича биринчи ўринни эгаллаб, 1 миллиард 360 миллион сўм маблағ ютиб олишди. Айни вақтда ички кўчаларига асфальт ётқизиш ишлари қизғин тус олган.



Ҳар бир маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси эрталаб таълим муассасалари ҳудудида мактаб директори билан бирга ўқувчиларни кутиб олиш ва давомат билан шуғулланиш амалиёти жорий этилган. Натижада мактабларда давомат туман бўйича ўртача 98,6 фоизга ошириш ва ўқувчиларни таълимга қайтариш чоралари кўрилди.

Ёшларнинг фанлар бўйича иқтидорини аниқлаш мақсадида аниқ, табиий ва филология йўналишларида фан олимпиадалари, амалий фанлар бўйича мусобақалар ташкил этилди. Иқтидор эгалари аниқланиб, муносиб тарзда рағбатлантирилди.

Маҳаллаларни равнақ топтириш, аҳолининг фаровон турмуш кечиришига эришиш учун қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Энг муҳими, одамлар билан ҳамнафас, дарду ташвишини ҳис қилиб яшашимиз керак. Шундагина барчасига муносиб ечим топа оламиз.

ИЖТИМОИЙ ХОДИМ

“Эҳтиёжмандлар ҳаётида илинж пайдо бўляпти”

Шодибой БОБОЕВ, Сўх туманидаги “Ҳушёр” ва “Қизилқиёқ” маҳаллалари ижтимоий ходими.

Олий таълим муассасасини тамомлаб, фаолиятимни ижтимоий ходим сифатида бошладим. Аввалига бу тизим ҳақида тасаввурим умуман бошқача эди. Соҳанинг ичига кириб, унинг қамрови нақадар кенг эканини англаб етяпман. Ҳали ёш бўлганим боис айрим масалаларда қийналаман, тажрибам камлиги билиниб қолади. Шундай бўлишига қарамай, “маҳалла еттилиги”нинг бошқа аъзолари доим мени қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хонадонларни айланганда, фуқаролар билан суҳбатлашганда, қандай савол туғилса, барчасига улар орқали жавоб топаман.

Ҳудудимизда жорий йилнинг июнь ойидан буён 9 та кейс очилди. Кўпчилик фуқароларга “Саховат ва кўмак” жамғармасидан эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда моддий ёрдам ажратилди. Шу сабаб қийналганларнинг шароити анча яхшиланди.

Ибратхон Халилова ногиронлиги бўлган укаси билан бирга яшайди. Хонадони хароба ҳолатга келиб қолгани учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 3 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу пулга хоналарини оқлаб, уйини таъмирдан чиқарди. Фуқаро билан суҳбатлашганимизда, ишлаш истаги йўқлигини билдирди. Кўп вақтини укасини парваришлаш билан ўтказаётган экан. Аёлнинг мурожаатига кўра, унга олти ойлик моддий ёрдам бериб келинмоқда.

Йигитали Тўраев “Ҳушёр” маҳалласида истиқомат қилади. Икки йилча аввал юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли юролмай қолган эди. Фуқарога даволаниши учун “Саховат ва кўмак” жамғармаси 5 миллион 200 минг сўм пул ажратди. Яқинда оёғига протез мосламасини қўйдириб келди. Энди ўзига бўлган ишончи ортди, юришга ҳаракат қиляпти. Онаси ўғлининг аҳволи яхшиланаётганидан ниҳоятда хурсанд.

Яна бир маҳалладошимиз Паймона Раҳмонзоданинг туғма ногиронлиги бор. Компьютер саводхонлиги бўйича масофадан туриб таҳсил олган. Айни вақтда мутахассислиги бўйича онлайн ишлаб, рўзғорига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида электрон юритмали арава берилди. Шундан кейин фуқаронинг фаоллиги сезиларли даражада ортди. Ҳовлиси ва маҳалласида бемалол, мустақил равишда юришни бошлади. Одамлар билан янада кўпроқ суҳбатлашяпти. Энг муҳими, ҳаётида бошқача нур ва илинж пайдо бўлди. Ўз устида ишлаши ҳамда олдинга интилиши кераклигини яна бир бор англаб етди.

Аслида, инсоннинг кўнглини кўтариш унчалик қийин эмас. Бир оғиз ширин сўз, кичик кўмак билан унинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юбориш мумкин. Бунга кузатув ва тажрибаларимда яққол гувоҳ бўлиб келяпман. Аввал имконияти чеклангани боис қийналиб яшаётган кишилар бугун давлат яратиб бераётган имконият ва шароит сабаб



ўзини тиклаб олмоқда.

“Қизилқиёқ” маҳалласида яшайдиган Ёсуман Тўйчибоева тўрт йилдан буён уй таълимига жалб қилиб келинаётган эди. Лекин бу тенгдошларидан ажралиб, ижтимоийлашувига тўсиқ бўлаётганди. Қизалоқнинг тўла-тўкис билим олиши, жамиятнинг фаол аъзосига айланиши учун махсус ихтисослаштирилган мактабга жойлаштирдик. Энди ўзи каби гапиришда нуқсони бўлган болалар билан бирга таҳсил олишни бошлади. Ўқишга иштиёқи аввалгига қараганда анча ошган. Ҳаммадан ҳам онасининг шодлиги чексиз.

Ногиронлиги бўлган фуқароларнинг протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида жорий қилинган янги ваучер тизим шу борадаги қийинчиликларимизни анча енгиллаштиряпти. Лекин баъзан тизимда айрим носозликлар юз беряпти. Дастур янада такомиллаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари, буюртма қилинган маҳсулотларни етказиб бериш учун 120 минг сўмдан тўловни амалга ошириш керак. Баъзилар бу маблағни ўзи тўласа, айрим ҳолатларда мазкур харажатни эҳтиёжманд кишилар учун маошимиздан қоплаб беришга мажбур бўляпмиз. Шу масалада бироз қулайликлар яратилишини таклиф қилган бўлардим.

ТАҚДИРЛАР

“НОГИРОНЛАР УЧУН ҚУЛАЙ БИНОЛАР ҚУРАМАН”

Бухоролик Шаҳризод Шокировда болаликдан ногиронлик мавжуд. Шунга қарамай, жуда интилувчан ва қизиқувчан бола. Айниқса, расм чизишга бўлган иқтидори жуда баланд. Ҳаттоки, узоқ масофада бўлса-да, яқинлари ёрдамида рассомчилик тўгарагига қатнашиб келяпти.

Маҳаллалардаги оилаларни ўрганиш давомида қаҳрамонимизнинг хонадонига борган ижтимоий ходим Шаҳризоднинг аравачага муҳтожлигини эътибордан четда қолдирмади. "Кейс менежмент" асосида унга психологик хизмат кўрсатиш билан бир қаторда, янги ваучер тизими орқали электрон юритмали аравача олиб берилди.

— Уч йилдан буён, гоҳ дадам, гоҳида уларнинг шогирдлари ёрдамида тўгарак машғулотларига қатнашиб келаётган эдим, ***— дейди Шаҳризод Шокиров.*** *— Лекин яқинда "Инсон" маркази олиб берган электрон юритмали аравача машғулотларга мустақил равишда бориб келишимга, ўртоқларим билан сайр қилишга анча асқатяпти. Қалам ва қоғоз менинг доимий ҳамроҳим. Келажакда архитекторлик касбини эгаллаб, ўзим каби ногиронлиги бўлганлар учун қулай ва замонавий бинолар қуришни ният қилганман.*

ҚУЛАЙЛИК

“ИЖТИМОИЙ ТАКСИ” ХИЗМАТИ КИМЛАРГА КЎРСАТИЛАДИ?

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги аҳолининг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар ва таянч ҳаракатида муаммолари бўлган болалар учун қулайлик яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида "Ижтимоий такси" лойиҳасини ишга туширди.

Хизматдан фойдаланиш **“Yandex.go”** иловаси орқали амалга оширилади. Мазкур иловада ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига мослаштирилган махсус бўлим мавжуд. Уларни ҳар қандай тарифда манзилга етиб олиш учун танлаш мумкин. Бунда хизмат нархлари ўзгармайди.

Буюртмани қабул қилган ҳайдовчига мижозни манзилга олиб бориш давомида қуйидаги махсус вазифаларни амалга ошириш кераклиги ҳақида хабар берилади:

✓ машина топишга ёрдам беринг, манзил карточкасида фойдаланувчига машинани топиш, унинг ёнига келиш ва салонга ўтиришга ёрдам берувчи изоҳ кўринади;

✓ эшитишда муаммоси бўлган шахсларга ҳайдовчи чат орқали мулоқот қилишни сўраши керак;

✓ “ногиронлик аравачасидаман” бўлими танланган бўлса, ҳайдовчида “ногиронлар аравачасида бўламан, машинага ўтиришда ёрдам, бўш юкхона керак” изоҳи кўринади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.



Спорт курашлари бўйича Ўзбекистон чемпионатида ЛАЙЛО СОБИРОВА чемпионликни қўлга киритди.



ТОЖ МАҲАЛ 2036 йилги Олимпия ўйинлари рамзи бўлиши мумкин.



Теннис бўйича Ҳиндистонда ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртимиз ҲУМОЮН СУЛТОНОВ бош соврин эгасига айланди.

ЯНГИЛИК

БЕМОР АЁЛЛАР БЕПУЛ ДАВОЛАНАДИ

“Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Унга кўра, тиббиётнинг бирламчи бўғинида 30-65 ёшдаги аёлларнинг электрон базаси (рўйхати) шакллантирилади, уларни тиббий кўрикка таклиф қилиш тизими яратилади.

Ҳар йили 30-50 ёшдаги аёлларда бачадон бўйни саратони скрининги одам папилломаси вирусини полимераза занжирли реакция текшируви усули орқали аниқлаш ҳамда суюқлик цитологияси усулида текшириш йўли билан амалга оширилади.

30-65 ёшдаги аёллар ҳар 2 йилда бир маротаба тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи саралашдан ўтказилади. Скрининг натижасида онкологик касалликка чалинганлиги аниқланган беморларни ташхислаш ва даволаш билан боғлиқ харажатлар бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

2025 йил 1 январдан бошлаб:

— маммография тасвирини ўқиш маркази ташкил этилади;

— бачадон бўйни ва кўкрак бези саратони скринингига нодавлат тиббиёт ташкилотлари жалб қилинади.

2025 йил 1 майга қадар:

— бачадон бўйни саратони скрининги ва кўкрак бези саратонини эрта аниқлаш сифатини баҳолаш ва мониторинг қилиб бориш тизими;

— скрининг дастурига киритилган аёллар билан қайта алоқа қилиш тизими жорий этилади.

ТАҲЛИЛ

Фидокорона меҳнат кўркам ва файзли манзилга элтади

Жорий йилнинг апрель ойида Жондор туманидаги “Пўлоти” маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи Зарафшон дарёси устидаги сув сатҳидан 15 метр баландликдаги, эни 20 метр ва узунлиги салкам 40 метр масофадаги кўприк оғир юк машинасининг ўтиши оқибатида қулаб тушган эди. Натижада маҳалла аҳолиси, қолаверса, бу ердан ўтиб-қайтувчилар учун жуда катта муаммо ва ташвиш юзага келди.



Ғиёс ЭШМУРОДОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Жондор тумани бўлими бошлиғи.

Бугун халқнинг азалий орзуси ушалди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 октябрдаги 614-сонли қарорига асосан, мазкур кўприк янгидан қурилиб, аҳолига фойдаланиш учун топширилди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 3,8 миллиард сўмни ташкил этди. Ушбу кўприк ўз атрофида 6 та қишлоқни бирлаштирган “Пўлоти” маҳалласида яшовчи 8 минг 500 нафардан ортиқ фуқаро ва ҳайдовчилар учун катта қулайлик яратди.

Ҳудудимизда бундай ободонлаштириш ишлари мунтазам равишда давом этиб келмоқда. Хусусан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Манкуфи” маҳалласида жойлашган давлат ўрмон хўжалигига тегишли ер майдонида “Жондор боғи” ташкил этилди. 3,5 гектар ер майдонига 5 минг турдаги манзарали кўчатлар экилди.

Қайд этиш жоизки, давлат дастури бўйича “Манкуфи” маҳалласида боғни ташкил этиш орқали аҳолининг дам олиши ва уларнинг маънавий ҳордиқ чиқариши учун истироҳат боғини барпо этиш режалаштирилган.

Шунингдек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудимизда 118 мингта кўчат, гул ва бутали дарахтлар экилди.

Ўтган 10 ой давомида туманимиздаги “маҳалла еттилиги” аъзолари билан биргаликда ҳудудларда камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринларини яратиш, миграция масалалари, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, жиноятчиликни камайтириш ва маҳалла ободонлигига алоҳида эътибор қаратилиб, маълум натижаларга эришилди.

Туман “Нуронийлар” Кенгаши билан ҳамкорликда маҳаллалардаги нуронийлар “устоз – шогирд” анъанаси асосида бириктирилган мактабларда ҳар ойда камида 2 маротабадан ўқувчилар ва ота-оналар иштирокида тарбиявий соатларни ўтказиб бориш амалиётини йўлга қўйди.

“Маҳалла еттилиги” аъзолари оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари билан бирга оилавий ажралишларнинг олдини олиш борасидаги ишларни тартибли йўлга қўйиши натижасида 2024 йилнинг 10 ойи давомида вилоятда 58 та ажралиш қайд этилиб, кўрсаткич 2023 йилнинг шу даврига нисбатан биттага камайишига эришилди.

Маҳаллаларда нотинч ва жанжалкаш оилалар, жиноятга мойиллиги бўлган шахслар ҳам борлиги ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг турмуш тарзини ким назорат қилади? Албатта, “маҳалла еттилиги” назорат қилиши керак. Шу тоифадаги ҳар бир оилага обрў-эътиборга эга фаолларимизни, имом-хатибларни бириктириб, уларнинг холидан керак бўлса, ҳафтада 2 марта хабар олиб туриш керак.

Таҳлилларга қараганда, бундай оилалар жами туман бўйича 25 тани ташкил қилади. Уларнинг тинч-хотиржам яшаши учун барча мутасадди ходимлар бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётир.

Вақт ўтиб, бугун қилаётган меҳнатларимиз, албатта, ўз самарасини кўрсатади. Маҳаллаларимиз янада кўркам манзилларга айланиб, унда халқимиз фаровон турмуш кечиради. Айни дамда шиддат билан давом этаётган бунёдкорлик ишлари келажак авлоднинг биздан-да бахтли яшаши учун хизмат қилади.



МАНЗАРА

Рўзғор тутуми, фарзанд тарбиясидан ортиб қувонарли натижага эришилган

Шоира ЖУМАНИЁЗОВА,
Урганч шаҳридаги “Маърифат” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Орзугул Матёқубова узоқ йиллар давомида аҳоли учун беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Аввалларида хонадонлардан олиб келинган тайёр хамирдан нон ясаб, тандирда ёпиб бериш билан шуғулланган. Тажриба ва малакаси ошиб, 2018 йилда ўзининг хусусий нон ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди. Маҳалла тавсияси билан бир неча марта имтиёзли кредит олиб, фаолиятини кенгайтирди. Ҳозирги кунда нон маҳсулотларининг 10 дан зиёд турини сифатли тарзда тайёрлаб, халқимиз дастурхонига етказиб бермоқда. Бундан ташқари, 100 нафардан ортиқ ишчиси билан ҳар хил пишириқлар, салат ва тузламалар қилишни йўлга қўйган. Тадбиркорнинг мақсад ва режалари жуда кўп. Эндиликда қандли диабет хасталигидан азият чекаётган беморлар учун хамиртуришсиз нон пиширишни йўлга қўймоқчи. Қолаверса, ёшларга ўз ҳунарининг сир-асрорларини ўргатиб, шу орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни бошлаб юборган. Бу келажакда корхонаси ривожига ҳисса қўшадиган кадрлар захирасини шакллантиришга замин бўлиши шубҳасиз.

Бу аёлдаги ғайрат ва шижоатни кўрган киши борки, ҳаваси келади. Ўз устида тинимсиз ишлаб, янгидан-янги ғояларини амалга оширишдан сира чарчамайди. Натижа ҳам шунга яраша кун сайин яхшиланиб бораётир.

Ҳудудимизда истиқомат қиладиган 2 минг 385 нафар хотин-қизга шу каби ютуқларга эришаётган аёлларни намуна



сифатида кўрсатаман. Юрагида ўти бор, бирини икки қилиш истагидагилар дарров олдимизга маслаҳат сўраб келишади. Уларга кўрсатган йўл-йўриқ ва маслаҳатларимиз сира беҳуда кетаётгани йўқ. Ҳозирги кунда айнан нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш билан шуғулланаётган хотин-қизлар сони 7 нафарни ташкил этади. Ҳар бири ўзига хос йўналиш ва ишлаш услубига эга. Маҳсулотлари бир-бирини такрорламайди.

Маҳалламизда олий маълумотли ва зиёли аёллар анчагина. Кўпчилиги таълим муассасаларида дарс беради. Шифокор ва ҳамширалар аҳоли саломатлигини тиклашда жонбозлик билан хизмат кўрсатмоқда. Улар фаолиятидаги ижобий натижаларидан ташқари, фарзанд тарбияси ҳамда рўзғор тутумида ҳам кўпчиликка ўрнак бўлмоқда.

Дилрабо Рўзметова бир неча йил давлат мактабгача таълим ташкилотида фаолият олиб борган. Орттирган тажрибаларидан унумли фойдаланиб, 2019 йилда хусусий болалар боғчасини ташкил этди. 25 нафар тарбияланувчи билан бошлаган иш йил сайин ривожланиб, ҳозирги кунда 100 нафар болани қамраб олган. 15 нафар ходим болажонларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Ойлик тўлов 400 минг сўмдан 700 минг сўмгача. Кам таъминланган оила фарзандлари учун махсус имтиёзлар мавжуд.

Жорий йилда “Аёллар дафтари”га 80 нафар ишсиз хотин-қиз киритилган эди. Шундан 12 нафарига субсидия асосида тикув машнаси берилди. 7 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди. 20 нафар аёлни тикувчиларга шогирд сифатида бириктирдик. 40 нафар хотин-қиз касаначилик асосида ўзини ўзи банд қилган. Уйида ўтирган ҳолда новвот қадоқлаб, даромад топяпти.

Маҳалламизда хотин-қизларга янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида ҳомийлар билан ҳамкорликда уй хизматларини бажариш бўйича мутахассислар тайёрлайдиган ўқув курси ташкил этишни режалаштирганмиз.

Маҳалла тизимида фаолият олиб борадиганлар яхши билади, бу соҳада иш вақти чегараланмаган. Одамлар идорадан ташқари, уйимизгача ёрдам ва маслаҳат сўраб келишади. Ҳар бирини тинглаш, йўл-йўриқ кўрсатиш учун вақт ва малака керак. Халқ учун жон куйдириб меҳнат қилаётган ходимлар учун бир йилда бир марта бўлса ҳам дам олиши, соғлигини тиклаши учун имтиёзлар берилишини таклиф қилган бўлардим. Шундагина самарадорлик ва натижалар янада яхшиланади.

ЭЪТИБОР

“ОНАЛАР МАСКАНИ” ХИЗМАТИ ИШГА ТУШАДИ

“Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинган.

Унга кўра, **2025 йил 1 январдан бошлаб:**

— меҳрибонлик уйлари ва болалар уйларига кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини **вақтинчалик қабул қилиш тартиби** бекор қилинади;

— етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларга таълим олиш, бандлигини таъминлаш, даволаниш ҳамда уй-жой шароитларини яхшилаш учун **ижтимоий ёрдам** кўрсатилади;

— тутинган ота-оналарни тайёрлаш курсларига етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олиш истагини билдирган **номзодлар** ҳам қамраб олинади;

— босқичма-босқич Андижон вилояти, Тошкент шаҳри ҳамда Самарқанд вилоятида **кичик ҳажмли болалар уйи** ташкил этилади;

— **“Меҳр дафтари”** жамғармалари тугатилади.

2025 йил 1 февралдан бошлаб фарзандини тарбиялашдан воз кечмоқчи бўлган оналар, шу жумладан, ҳомиладор аёллар учун болалар уйларида **“Оналар маскани” хизмати** йўлга қўйилади.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
6 280 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1120

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.